

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ЎЗИНИ ЎЗИ ЎЛДИРИШ ДАРАЖАСИГА ЕТКАЗИШНИНГ
ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12800093>

Исмаилов Аҳмад

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети мустақил изланувчиси*

Аннотация: *Мазкур мақолада вояга етмаганларни ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг олдини олиш чораларига доир масалалар таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг профилактикаси, яъни бундай жиноятлар профилактикасининг тўртта тури яъни умумий, махсус, яқка ва виктимологик профилактикасини қўллаш орқали уни амалга ошириш лозимлиги юзасидан ҳам фикрлар бериб ўтилган.*

Бундан ташқари, мақолада муаллиф умумий профилактиканинг айниқса аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ўтказиш чора-тадбири ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятини камайишига ўзининг сезиларли хиссасни қўшиши борасида ҳам тўхталиб ўтган.

Калит сўзлари: *Вояга етмаган, ўзини ўзи ўлдириш, даражасига етказиш, олдини олиш, профилактика, чоралар, сабаблар, имкон бераётган, шарт-шароитлар, бартараф этиш.*

**МЕРЫ ПО ПРЕДОТВРАЩЕНИЮ ДОВЕДЕНИЯ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ ДО
САМОУБИЙСТВА**

Ахмад Исмаилов

*Самостоятельный соискатель Университета общественной безопасности
Республики Узбекистан*

Аннотация: *В данной статье рассматриваются вопросы предотвращения доведения несовершеннолетних до самоубийства. В частности, анализируются профилактические меры, такие как общая, специальная, индивидуальная и виктимологическая профилактика, которые необходимо применять для предотвращения данных преступлений. Кроме того, автор уделяет внимание общим профилактическим мерам, особенно проведению правовой пропаганды среди населения, подчеркивая их значительное влияние на снижение числа преступлений, связанных с доведением до самоубийства.*

Ключевые слова: несовершеннолетние, самоубийство, доведение до самоубийства, предотвращение, профилактика, меры, причины, способствующие условия, устранение.

MEASURES TO PREVENT THE INDUCEMENT OF SUICIDE AMONG MINORS

Akhamad Ismailov

Independent Researcher,

University of Public Security of the Republic of Uzbekistan

Abstract: *This article addresses the issues of preventing the inducement of suicide among minors. In particular, it analyzes preventive measures such as general, special, individual, and victimological prevention that are necessary to prevent these crimes. Additionally, the author pays attention to general preventive measures, especially the conduct of legal propaganda among the population, emphasizing their significant impact on reducing the number of crimes related to the inducement of suicide.*

Keywords: *minors, suicide, inducement of suicide, prevention, measures, causes, contributing conditions, elimination.*

Бугунги кунда долзарб муаммолар қаторига ўз жонига қасд қилиш муаммоси ҳам киритилмоқда. Сўнги 15-20 йил давомида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг ўсмирлар орасида кескин ортиши бу муаммо “ёшариб” боришидан далолат бермоқда. Бутун Жаҳон Соғлиқни Сақлаш худудий бошқармаларининг маълумотларига кўра, 15-24 ёш ўртасидаги ўсмирларнинг суиқасд ҳолатлари 15 йилда 2 баробарга кўпайган. Бугунги кунда суицид дунёда энг жиддий муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Жинойт учун жазо бергандан кўра, унинг олдини олган маъқуллиги умумэътироф этилган. Бу – ҳар қандай ижобий қонунчиликнинг бош вазифасидир. Ҳозирги вақтда ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий, салбий ҳодисаларга нисбатан қўлланилган “жинойтчиликнинг олдини олиш”, “профилактика қилиш”, “огоҳлантириш”, “тўхтатиш”, “барҳам бериш” каби атамалар нафақат махсус адабиётларда, балки ҳар хил норматив ҳужжатларда, шунингдек вақтли матбуотда ҳам кўп учрайди[1].

М.М.Бабаев таъкидлаганидек, жиноятга қарши кураш – бу содир этилган жиноятларнинг олдини олиш, уларга чек қўйиш ва фош қилишни назарда тутувчи чора-тадбирлар тизими бўлиб, жамиятда жиноятлар даражасини пасайтирадиган, янги турдаги жиноий ҳаракатлар сонини камайтирадиган ёки минималлаштирадиган профилактика чораларини ўз ичига олади[2]. Бу борада гап кетганда, “олдини олиш” ва “профилактика” каби тушунчалар ўртасидаги фарқ масаласида бироз фикр юритсак мақсадга мувофиқ саналади.

Жиноятчиликнинг “олдини олиш” ва “профилактика қилиш” атамалари нафақат махсус адабиётларда[3], балки, амалиётда, норматив ҳужжатларда[4], шунингдек вақтли матбуотда ҳам кенг қўлланилиб келинган[1]. Айрим олимлар эса ушбу тушунчаларни тенг маъноли атамалар сифатида эътироф этишган[5].

Ю.М.Антоняннинг таъкидлашича, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш – давлатнинг жиноятларнинг олдини олиш, уларга чек қўйиш, уларнинг содир этилишининг олдини олиш ва айбдор шахслар ва айниқса ёшларни қонунларга ҳурмат ва ахлоқан тарбиялашга қаратилган саъй-ҳаракатлар йиғиндисидан иборатдир[6].

А.И.Долгованинг фикрича: “Давлат, жамият жисмоний ва юридик шахсларнинг жиноятга янги шахсларнинг жалб этилишининг, янги жиноий ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида мазкур жиноятнинг сабабларини аниқлаш ва бунга нисбатан амалга ошириладиган чора-тадбирлар тизимидир”[7].

“Жиноятларнинг олдини олиш” тушунчасига М.Ю.Кержнер ва Ғ.Т.Абдуллаходжаевлар “давлат органлари ва жамоатчилик томонидан жиноятчиликнинг олдини олиш, унинг сабаб ва шароитларини тугатиш турли миқёсда амалга ошириладиган чора-тадбирлар комплекси” дея таъриф беришган[8] ва Б.А.Миренский ушбу таърифга тўла қўшилган[9].

Жиноятларнинг профилактикасини, криминолог олимлар И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова ва И.Ю.Фазиловлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактиканинг ҳуқуқий, тарбиявий-профилактик, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий, тиббий, психологик, ташкилий ва бошқа чора-тадбирларининг тизими[10], деб ҳисоблашади.

Юқоридагиларга асосан, мазкур тушунчаларга берилган таърифларни мазмун жиҳатдан бир-бирига жуда яқин, аммо ҳажмига кўра “жиноятларнинг профилактикаси” тушунчаси кенг талқинга эга дейиш мумкин.

Аммо “жиноятларнинг олдини олиш” ва “жиноятлар профилактикаси” атамалари бир-биридан фарқланишини А.Г.Лекаръ ва А.Ф.Зелинскийлар таъкидлашиб, уларнинг фикрича, “жиноятларнинг олдини олиш” деганда, маълум бир жиноятнинг содир этилишига қаршилик қилишни, “жиноятлар профилактикаси” эса – жиноят содир этилишига имконият яратувчи шарт-шароит ва сабабларни бартараф этиш тушунилмоғи лозим. Мазкур фикрлар асосида “жиноятлар профилактика” жиноятчилик сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш жараёнини, “жиноятларнинг олдини олиш” режалаштириладиган ва тайёрланаётган жиноятларга йўл қўймасликни англатади дейиш мумкин[11].

Бу борада А.А.Савченко ҳам ўзининг фикрини билдириб, жиноятлар профилактикаси ўз моҳиятига кўра, жиноятларни фош этиш эмас, балки уларнинг олдини олиш тушунчасига яқинроқ туришини таъкидлайди. Шунингдек унинг фикрича, жиноятлар профилактикаси ўз таркибига жиноят содир этишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни қамраб олади[12].

З.С.Зарипов ва И.Исмаиловлар эса, асосий эътиборни ушбу тушунча юзасидан олимлар ўртасидаги атамавий (терминологик) тортишувларга эмас, балки ҳозирги кунда криминологияда кенг тарқалган ва амалиётда жиноятларнинг олдини олишда қўл келадиган тушунчалар тўғрисидаги асосий фикрларга қаратиш лозим деб ҳисоблашади[13].

Демак, юқоридагиларни инобатга олиб қайд этиш мумкинки, “профилактика” атамаси “жиноятларнинг олдини олиш” атамасидан кенг тушунчадир, сабаби профилактика жиноятни содир этилишининг олдини олиш, унинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Шу боис, айнан биз кўриб чиқаётган нормада, яъни ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқишда асосий мезон сифатида унинг профилактикасига урғу бериш лозим саналади.

Таъкидлаш лозимки, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш профилактикаси, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тўртта тури яъни умумий, махсус, якка ва виктимологик профилактикасини қўллаш орқали уни амалга оширишни тақозо этади.

Хусусан, вояга етмаганларни ўз жонига қасд қилишнинг умумий профилактикаси, жиноятлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг мазкур жиноятнинг олдини олиш, унинг содир этилиши сабабларини ва унга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этишга қаратилган фаолиятдан иборат ҳисобланади. Бу чора-тадбирлар моддий ва маънавий фаровонликни ошириш, шунингдек, ижтимоий кафолатлар ва имтиёзларнинг мавжудлиги ва кенглигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар мажмуи бўлибгина қолмай, балки жиноятчиликка қарши курашишнинг инновацион усуллари ва методларини жорий этиш бўйича сиёсий ислохотлар ўтказишдан иборатдир.

Шунингдек, ғоявий, маънавий-маърифий ва ватанпарварлик тарбиясида тўғри йўналишни йўлга қўйиш, бепул махсус касб-ҳунар ва олий таълим олиш имкониятини таъминлаш имконини беради. Сабаби, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мазкур тури аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғиботдек самарадор чора-тадбирни ўз ичига олади. Зеро, мазкур чора-тадбир ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий мақсади ҳам ҳисобланади.

Шундай қилиб, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг умумий профилактикаси самарали тур ҳисобланади дейишимиз мумкин. Чунки, умумий профилактика жуда кўп мақсад ва вазифаларни қамраб олади.

С.Б.Хўжақуловнинг ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси мақсадига берган муаллифлик тарифи[14] ни ушбу фикримизнинг тасдиғи дейишимиз мумкин.

Умумий профилактиканинг айниқса аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ўтказиш чора-тадбири ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятини камайишига ўзининг сезиларли хиссасни қўшади. Зеро, ўз қилмишининг ҳуқуқий оқибатини

билган ушбу жиноятни содир қилишга мойил шахс ўз жиноий қилмишидан ўз вақтида ихтиёрий қайтади. Шунингдек, ҳуқуқларини билган жабрланиш эҳтимолидаги шахс ўз ҳуқуқларини поймол бўлишининг олдини олиш чораларини кўради.

Вояга етмагани ўз жонига қасд қилишни олдини олишнинг умумий профилактик чора-тадбирлар ҳақида фикр юритилар экан, ушбу жиноятнинг асосий салмоғи кузатилаётган соҳага алоҳида эътибор қаратишимиз лозим саналади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятининг асосий қисми оилавий-маиший соҳада содир этилмоқда. Шу боис ҳам бу соҳадаги жиноятларнинг барвақт олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни қонунда белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрь куни “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-561-сон қонуни қабул қилинган бўлиб, унга мувофиқ хотин-қизларга нисбатан турли хил тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳамда айрим органларнинг бу борадаги ваколатлари белгилаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари рўйхатида зўравонликдан жабрланганларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида ижтимоий реабилитация қилишга ҳамда ўз жонига қасд этишнинг олдини олишга доир тадбирлар ўтказиш вазифаси белгилаб қўйилган бўлса-да, бу ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятини олдини олишга тўла-тўқис ҳисса қўшади дея олмаймиз.

Бундан ташқари, мазкур соҳадаги оилавий-ҳуқуқий меъёрлар аниқ таърифланмаган, ота-оналар фарзандларини тарбиялаши, уларнинг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ривожланиши ҳақида жон куйдириш ҳуқуқи ва мажбуриятига эгалар. Ота-оналар зиммасига фарзанд тарбияси бўйича мажбуриятни юклаш билан бир вақтда боладан ота-онанинг кўрсатмаларига, агар улар бола манфаатларига мос келса, амал қилишларини талаб қилиш зарур. Ота-оналар ҳам, фарзандлар ҳам мазкур мажбуриятларни лозим даражада бажарган ҳолдагина яқуний ижобий натижага эришиш мумкин. Ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, бу ерда ота-оналик мажбуриятларни мунтазам, яъни бир неча маротаба бажармаслик, фарзандлари ҳақида ғамхўрлик қилмаслик (овқатлантирмаслик, зарур кийим, тиббий ёрдам билан таъминламаслик – ҳуллас боланинг ҳаётини муҳим эҳтиёжларини қондириш учун ҳеч нима қилмаслик) назарда тутилган. Бу маънавий ва жисмоний ривожлантириш, ижтимоий жиҳатдан фойдали меҳнатга тайёрлаш ҳақида қайғурмасликда, таълим олишига беписандлик билан муносабатда бўлишда ифода бўлиши мумкин[15].

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ёки чекланган ахборот маҳсулотларининг турлари келтириб ўтилган.

Булар болаларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига хавф соладиган хатти-ҳаракатларни содир этишга, ўз соғлиғига зарар етказишга, ўз жонига қасд қилишга ва шундай ҳаракатларни тарғиб қилишга ундайдиган, порнография хусусиятига эга бўлган ахборотни ўз ичига олган, эркак ва аёл ўртасидаги жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш тарзида тақдим этиладиган ва ҳоказо ахборот маҳсулотларидир.

Қонуннинг 24-моддасида эса, болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлишлари назарда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги 848-сон Қарори билан тасдиқланган “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашга доир маъмурий ва ташкилий чора-тадбирлар, дастурий-аппарат ва техника воситаларига доир талабларни белгилаш тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, интернет тармоғидан жамоавий фойдаланиш пунктларининг эгалари ўз фойдаланувчиларига ёшга оид тоифага мос келмайдиган ахборотдан ва тақиқланган ахборот маҳсулотидан фойдаланишга имконият бергани учун жавобгар бўлади. Бироқ, айнан қандай тартибда жавобгар бўлишлари белгилаб берилмаган.

Бугунги кунда, болалар онгига руҳий таъсир кўрсатувчи ахборот маҳсулотларининг оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда намоиш этилиши болаларни ўз жонига қасд қилишларининг ёки бошқа ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этишларининг омилларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бундай ноўрин ҳолатларни болаларнинг ўлимига олиб келиши ташвишли ҳолдир.

Мисол учун, 2010 йилда туғилган вояга етмаган Б. яшаш хонадони омборхонасида қўйлар учун олиб келинган арқон билан рўмоли билан бўйин соҳасидан ўзини осиб, ўз жонига қасд қилган. Мазкур ҳолат юзасидан ўтказилган терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида Б. “Sevimli” телеканалда “Сўйла қора денгиз” номли турк телесериалининг соат 09:00 ларда эфирга узатилган навбатдаги қисмида сериал қаҳрамони ўз жонига қасд қилиб, тирик қолганлиги саҳнасини томоша қилганлиги ва бу ҳақда онасидан ўз жонига қасд қилган тақдирда тирик қолиш мумкинлиги ҳақида сериал мисолида сўраганлиги, онасининг бу фақат киноларда бўлиши мумкинлиги тўғрисида тушунтирганлигига қарамасдан, намоиш этилган саҳнани ўз жонига синаб кўриб, Б. ўз жонига қасд қилганлиги аниқланган[16]. Ушбу ҳолатни ўрганиш мақсадида сериалнинг тегишли қисми қайта кўриб чиқилганда, ҳақиқатдан ҳам сериал қаҳрамонининг ўз жонига қасд қилиш саҳналари мавжудлиги маълум бўлган.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги 848-сон Қарори билан тасдиқланган “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашга доир маъмурий ва ташкилий

чора-тадбирлар, дастурий-аппарат ва техника воситаларига доир талабларни белгилаш тўғрисида”ги Низомга кўра, болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ахборот маҳсулоти теле ва радиоузатиш орқали соат 6 дан 22 гача тарқатилиши тақиқланади.

Ёки кўпгина оммавий ахборот воситаларида уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир қилишга ундовчи ҳамда эркак ва аёл ўртасидаги ишқий муносабатларни тасвирловчи саҳналарнинг намоиш этилиши ижтимоий тармоқларда ўринли эътирозларга сабаб бўлган.

Юқорида қайд этилган тақиқланган ахборот маҳсулотларининг болалар орасида тарқатилиши келгусида улар иштирокида “ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш (ЖК 128-м)” ёки “ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш (ЖК 129-м)” каби жиноятларнинг содир этилишига олиб келиши эҳтимолидан ҳоли эмас.

Бу эса, ўз навбатида, вояга етмаган қизларнинг эрта ҳомиладор бўлишларига ва эрта туғруқ ҳолатларига замин яратади.

Хулоса қиладиган бўлсак, таҳлиллар, болаларнинг жисмоний, руҳий, маънавий ҳамда ахлоқий ривожланишига ахборот орқали зарар етказилишини, улар ўртасида ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга ундовчи ахборот маҳсулоти тарқатилишининг олдини олиш, шунингдек, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш мақсадида, болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун аниқ жавобгарликни белгиловчи норма киритишни тақозо этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. Б-99.
2. Бабаев М.М. Причины преступности и меры борьбы с ней. М.: Знание, 1974. С. 27.
3. Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология: Умумий қисм. Дарслик / ю.ф.д., проф. Ғ. Абдумажидов таҳрири остида. –Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1996. – Б. 227; Криминология: Дарслик / З.С. Зарипов, А.С. Якубов, Ғ.А. Аванесов ва бошқ. Проф. З.С. Зарипов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – Б. 539; Абдурасулова Қ.Р. Криминология: Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ. Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. – Б. 305; Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — Б. 272.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // URL: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти: 01.10.2021); Ўзбекистон

Республикасининг Жиноят кодекси. [Электрон манба] – URL: <http://www.lex.uz>(мурожаат вақти: 01.10.2021); Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // URL: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти: 01.10.2021);

5. Гельфанд И.А., Михайленко П.П. Предупреждение преступлений – основа борьбы за искоренение преступности. – М., Юридическая литература, 1964; Аванесов Г.А. Криминология и социальная профилактика. – М., 1980. – С. 394; Сартаева Н.А. Концептуальные основы предупреждения преступности. –Астана: Академия гос.службы при Президенте РК, 2004. – С. 99; Пирожков В.Н. Криминальная психология. Ч.1. – М.: Волтерс Клувер, 2007. – С. 26; Ўразалиев М.Қ. Алкоголизм, фоҳишалик ва гиёҳвандликнинг жиноятчилик билан алоқадорлиги, уларнинг криминологик хусусиятлари ва олдини олишни такомиллаштириш. юрид. фан. докт. дис. — Т., 2016. – Б. 88; Амиров З А. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқий тарбия: назария ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти: Монография / Масъул муҳаррир: юридик фанлар доктори, доцент Х.Т. Маматов. – Т.: «LESSON PRESS», 2016. – 63 б.; Савченко А.А. Соотношение понятий профилактики преступлений и предупреждения преступлений в современной юридической доктрине. [Электрон манба] – URL: <https://www.sovremennoepravo.ru/m/articles/view>.

6. Антонян Ю.М. Наука криминология: монография. М.: Юрлитинформ, 2015. С. 362.

7. Долгова А.И. Криминология. – 4-е изд., перераб. и доп. М.: Норма: ИНФРА-М, 2016. С. 266. 3 СЗ РФ. 2016. № 26 (Часть I). Ст. 3851.

8. Криминология: Дарслик / З.С. Зарипов, А.С. Якубов, Г.А. Аванесов ва бошқ. Проф. З.С. Зарипов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – 539 б.

9. Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси: ИИВ Олий таълим муассасалари учун дарслик / Б.А.Миренский, А.Х.Раҳмонқулов, Д.Камалходжаев ва бошқ.: Ш.Т.Икрамовнинг умумий таҳрири остида. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 258-б.

10. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — Б. 189.

11. Лекарь А.Г. Профилактика преступлений. –М., 1972. – С. 45.; Зелинский А.Ф. Значение нормы уголовного права для предупреждения преступлений. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – М., 1966. – С. 4.

12. Савченко А.А. Соотношение понятий профилактики преступлений и предупреждения преступлений в современной юридической доктрине. [Электрон манба] – URL: <https://www.sovremennoepravo.ru/m/articles/vuew/>. (мурожаат вақти: 08.12.2021);

13. Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология: Умумий қисм. Дарслик / ю.ф.д., проф. Ғ.Абдумажидов таҳрири остида. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1996. – 89-бет.
14. Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш: Монография / Масъул муҳаррир ю.ф.д., доц. Фазилов И.Ю. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – Б. 46.
15. Limber, S. P., Olweus, D., & Wang, W. (November, 2012). What we are learning about bullying: trends in bullying over 5 years. Paper presented at the meeting of the International Bullying Prevention Association. Kansas City, MO.
16. Маълумот Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан тақдим этилган. 2022 йил апрель <https://t.me/TYUZBEK/17971> , <https://t.me/TYUZBEK/19374>